

Лойиха қидирув ишларини бажариш учун

2022-5-сонли

ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил “20” январь

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан бўён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан вазир ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан ва “Tiproq tarkibi va repozitoriyi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi бундан кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан корхона бош директори О.А.Жабборов иккинчи томондан ўз низомлари асосида, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартноманинг асослари, баҳоси ва тўлов шартлари

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан куйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: “Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари ҳамда Термиз шаҳридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати 715 724 759 (Етти юз ўн беш миллион етти юз йигирма тўрт минг етти юз эллик тўққиз) сўм бўлиб, қўшимча қиймат солиғи (КҚС) олинмайди.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан ва тўловнинг қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда туттилган ишларни қабул қилиб олиш ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлаб боради.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойихалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календар режа билан аниқланади, улар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услубий ҳужжатларга мувофиқ календар иш режасида назарда тутилган ҳажмда сифатли ва тўлиқ бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник топширик бериш ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини ўз вақтида бажарувчига тўлаш.

III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник топшириққа мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан бөглиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник топшириқ билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг хақ тўланади.

3.3. “**Бажарувчи**” ишни томомлагандан сўнг “**Буюртмачи**”га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топшириқда кўзда тутилган хужжатлар мажмуи билан биргаликда тақдим қиласди.

3.4. “**Буюртмачи**” топшириш-қабул қилиш далолатномасини мазкур шартноманинг 3.3 - бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун давомида ишни қабул қилиши лозим ва “**Бажарувчи**”га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қиласлик сабабини асословчи ёзма изоҳни тақдим этиши шарт.

3.5. “**Буюртмачи**” ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичидаги хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 15 кунлик муддат ичидаги кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.7. Бажарилаётган иш “асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас” – деб топилган тақдирда, ишнинг бажарилган қисми учун “**Буюртмачи**” томонидан “**Бажарувчи**”га хақ тўланади.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафлар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа норматив-хукуқий хужжатларга асосан жавобгар бўладилар.

4.2. “**Буюртмачи**” томонидан мазкур шартноманинг 1.3-бандида назарда тутилган шартнома умумий қийматининг 30 фоизи (аванс) кечикиб тўланган тақдирда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда, “**Бажарувчи**” камчиликларни ўз ҳисобидан тарафлар томонидан келишилган муддатда бартараф этишга мажбур.

4.4. Ушбу шартнома бўйича келиб чиқкан барча низолар-ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаган тақдирда Тошкент шаҳар Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

V. Қўшимча шартлар

5.1. “**Бажарувчи**” бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида “**Буюртмачи**”ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва “**Буюртмачи**”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар “**Буюртмачи**” “**Бажарувчи**” тақдим этган нархда ишни давом

эттиришни “мақсадга мувофиқ әмас” деб ҳисобласа, у ҳолда “Буюртмачи” “Бажарувчи” томонидан күрилган заарларни түлиқ ҳажмда қоплайди.

5.2. Шартнома шартларига тарафларнинг ёзма розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.3. “Бажарувчи” ўз мажбуриятини бажариш учун учинчи тарафни жалб қилиш хуқуқига эга.

5.4. Мазкур шартномага илова қилинган техник топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганилиги ҳақидаги баённома унинг ажралмас қисми саналади.

5.5. Ушбу шартнома имзоланган вақтда кучга киради ва 2022 йил 31 марта ҳақиқий ҳисобланади.

VI. Тарафларнинг реквизитлари

Бажарувчи: “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

Манзили: 100097, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц квартали.

Р/сч: 20210000600102465001, МФО-00419, ИНН-200795160, ОКЭД-71110.

Банк; Ипотека банк Тошкент шаҳар филиали

Тел.: 278-50-98

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Манзили: 100140, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.

Тел.: 260-47-94

Л/сч 100010860272487049920082001, ИНН 305 636 074 ОКЭД-84111

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб китоб касса маркази.

р/сч. 23402000300100001010, ИНН-201 122 919, МФО-00014

Мазкур шартномага: техник-топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганилиги ҳақидаги баённома илова қилинади.



БАЖАРУВЧИ

О.А.Жабборов



БЮОРТМАЧИ

М.И.Рузметов

**“Тупроқ бонитировкаси” шўъба корхонаси юрисконсульт Б.Мусаевнинг
“Лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун 2022-5-сонли шартнома”
юзасидан**

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиғи (Буюртмачи) ва “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi (Бажарувчи) ўртасида тузилган лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун 2022-5-сонли шартномасининг матни Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилиб қуидаги **хулосага келинди**:

1. Мазкур шартнома 1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги 670-1-сон Қонуни ва Фуқаролик кодексининг 686-692-моддалари билан тартибга солинади;
2. Мазкур шартнома бажарувчи томонидан Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари ҳамда Термиз шахридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажаришга қаратилган бўлиб, шартноманинг умумий қиймати 715 724 759 (Етти юз ўн беш миллион етти юз йигирма тўрт минг етти юз эллик тўқкиз) сўмдан иборат;
3. Мазкур шартноманинг шартлари норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мос келади;
4. Таравиларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги меъёри ҳамда низоларни ҳал этиш тартиби қонун хужжатлари талабларига мос келади.

Бош юрисконсульт

Б.Мусаев





“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги номидан вазирнинг ўринбосари М.И.Рузметов билан “Бажарувчи” “Туроq tarkibi va gerozitoriyisi, sifati tahlil markazi” давлат unitar korxonasi бош директори О.Жабборовлар ўртасида тузилаётган 2022 йил “20” январдаги 2022-5-сонли “Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари ҳамда Термиз шаҳридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” номли шартнома лойиҳасига

ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Ушбу 01.10.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси “Давархитекқурилиш” қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда 02.01.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги учун лойиҳа-қидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **715 724 759 (Етти юз ўн беш миллион етти юз ийигирма тўрт минг етти юз эллик тўққиз) сўмни** ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъёрий хужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Эксперт гурухи аъзолари:

1. А.Жўраев

2. А.Ахмадалиев

3. У.Ниязметов

“20” Июн 2022

Келишилган шартномавий нархлар түғрисидаги

Баённома

2022 йил “до” январь

Бизлар, қуида имзо кўйувчилар “Буюртмачи” номидан
Қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари М.И.Рузметов ва “Бажарувчи” номидан
“Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi бош
директори О.А.Жабборовлар 2022 йил “до” январдаги 2022-5-сон
шартноманинг келишилган нархи **715 724 759** (Етти юз ўн беш миллион етти
юз йигирма тўрт минг етти юз эллик тўққиз) сўмни ташкил қилишини
ҳақиқатдан тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан
“ҳисоб-китоб қилиш учун асос” - деб ҳисобланади.

БАЖАРУВЧИ

2022 йил “—” январь

О.А.Жабборов



БУЮРТМАЧИ

2022 йил “—” январь

М.И.Рузметов

м. ў.



Келишилди:

“Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati
tahlil markazi” davlat unitar korxonasi
бош директори



О.А.Жабборов

2022 йил “10” январь

Тасдиқлайман:
Қишлоқ хўжалиги
вазири ўринбосари



М.И.Рузметов

2022 йил “20” январь

“Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шаҳридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” ишларига

ТЕХНИК-ТОПШИРИҚ

1. Ишларни бажариш асоси: Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли “Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сонли “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.Буюртмачи: Қишлоқ хўжалиги вазирилиги

3. Бажарувчи: “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

4. Ушбу ишнинг мақсади: “Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шаҳридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.

5. Ишга бўлган асосий талаблар:

5.1.Ишларни таркиби:

Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шаҳридаги жами **100 948** гектар сугориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони мавжуд.

- ушбу майдоннинг ҳар 10 гектар майдонидан кесмалар (разрезлар) қазилади, ҳар 50 гектар ер майдондан 1 асосий (намунали) кесма қазилади ва тупроқ намуналари генетик катламлардан олинади. Тупроқ намуналари талабнома асосида кимёвий таҳлил учун топширилади.

- Ишларни амалга ошириш тартиби:

Режалаштирилган ишлар “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бунда:

- Тайёргарлик ва дала тадқиқот ишлари бажарилади.

6. Муддати: 2022 йил январь – 2022 йил март

7. Иш натижаларини тақдим этиш шакли:

Барча ишларнинг якунидা:

-1:10000 миқёсда массивларининг тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ-бонитировка) картаси ва унинг экспликацияси -3 нусхада (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун);

-бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туманлар учун тушунтириш хатлари -3 нусхада тайёрланади ва тақдим этилади, (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун);

- бажарылган тупроқ-баҳолаш натижалари түғрисидаги умумлаштирилгандай таҳлилий маълумотлар (1 нусхада) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига фойдаланиш учун топширилади.

Кириллди:

Лойиха бош мұхандиси

Мусаев Ж.

пункт 1, жалоба подается в суд по вопросам личных прав граждан и охраны здоровья граждан. В соответствии с законом о защите прав потребителей, подача жалобы в суд не является основанием для отказа в предоставлении услуги.

**2022 йил “20” январдаги 2022-5-сонли шартнома
КАЛЕНДАР РЕЖАСИ**

Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларни бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи, минг сўм	
	Бошланиши	якунланиши	Жами	шу жумладан жорий йилда
“Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шаҳарларидаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.	2022 йил январь	2022 йил март	715 724,759	715 724,759

Б А Ж А Р У В Ч И

“Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati
tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

Бош директори



О.А.Жабборов

2022 йил “ ” январь

М.У.

Б У Ю Р Т М А Ч И

Кишлоқ хўжалиги
вазир ўринbosари



М.И.Рузметов

2022 йил “ ” январь

М.У.

Келишилди:

**“Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati
tahlil markazi” davlat unitar korxonasi
бош директори**



О.А.Жабборов
2022 йил “20” январь

Тасдиқлайман:

**Кишлоқ хўжалиги
вазир ўринбосари**



М.И.Рузметов
2022 йил “20” январь

“Сурхондарё вилояти Ангор, Бандихон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шахарларидаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” ишлари

ДАСТУРИ

1. Ишларнинг бажарилиши учун асос: Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли “Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сонли “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони,

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида “Сурхондарё вилояти Ангор, Бандихон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шахридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”га оид ТЕХНИК-ТОПШИРИҚқа асосан тайёрланган бўлиб, мазкур ишларни мазмунини ва бажарилишини таъминлади.

2. Ишни бажарувчи: “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

3. Иш мақсади ва вазифалари: “Сурхондарё вилояти Ангор, Бандихон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шахридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.

Сурхондарё вилояти Ангор, Бандихон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шахридаги жами **100 948** гектар сугориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони мавжуд бўлиб, ушбу майдонларда тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажаришдан иборат.

4. Тадқиқот предмети ва методлари: Сурхондарё вилояти Ангор, Бандихон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шахарларидаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган тупроқлари тадқиқот предмети бўлиб хизмат қиласди.

Бажариладиган тупроқ-баҳолаш ишлари услубиёти асосини Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар – “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома” (Тошкент, 2013 й) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси сугориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услугий кўрсатма” (Тошкент, 2005 й) лар ташкил этади.

5. Амалий аҳамияти: Массивларнинг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ-бонитировка) карталари, аниқланган балл бонитетлари билан ишлаб чиқаришга тавсия этилади. Аниқланган балл бонитетлари ягона ер солигини белгилаш, этиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини режалаштириш, ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишни асослаш, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти этиштирувчиларнинг ер участкалари қийматларини аниқлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ердан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ер участкаларидан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ва самараисиз

фойдаланилганда ерга бўлган ҳукуқни бекор қилиш ҳамда жарима санкцияларини қўллаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулдан сақлаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиш тартиби.

6.1. Асосий иш турлари:

Режалаштирилган барча майдонларда:

- Тайёргарлик ва дала ишларини бажариш.

7. Кутилаётган натижалар: Барча ишлар якунидаги массивларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ сифатини (тупроқ-бонитировка) баҳолаш карталари тузилади, суғориладиган ерларнинг янгидан бонитировкаланиши таъминланади. Туманлар учун тушунтириш хати ёзилади.

8. Жорий этиши:

Барча ишларнинг якунидаги якуний ҳужжатлар тўплами қуйидагича тайёрланади:

1:10000 миқёсда массивлар (собиқ ширкат ҳўжаликлари)нинг тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) картаси ва унинг экспликацияси -3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ ҳўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туманлар учун тушунтириш хатлари-3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ ҳўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), ҳамда барча ердан фойдаланувчилар ерларининг класслар бўйича тарқалганлиги тўғрисидаги жадвалдан иборат.

Массивларининг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) карталари ноқишлоқ ҳўжалик мақсадлари учун ер ажратишни асослаш, фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларининг ер участкалари қийматларини аниглаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулидан сақлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқа қонунда белгиланган мақсадларда фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Киритилди:

Лойиҳа бош муҳандиси

 Мусаев Ж.

фойдаланилганда ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ҳамда жарима санкцияларини қўллаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулдан сақлаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиш тартиби.

6.1. Асосий иш турлари:

Режалаштирилган барча майдонларда:

- Тайёргарлик ва дала ишларини бажариш.

7. Кутилаётган натижалар: Барча ишлар якунидаги массивларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ сифатини (тупроқ-бонитировка) баҳолаш карталари тузилади, сугориладиган ерларнинг янгидан бонитировкаланиши таъминланади. Туманлар учун тушунтириш хати ёзилади.

8. Жорий этиши:


Барча ишларнинг якунидаги якуний ҳужжатлар тўплами қуйидагича тайёрланади:

1:10000 миқёсда массивлар (собиқ ширкат ҳўжаликлари)нинг тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) картаси ва унинг экспликацияси -3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ ҳўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туманлар учун тушунтириш хатлари-3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ ҳўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), ҳамда барча ердан фойдаланувчилар ерларининг класслар бўйича тарқалганилиги тўғрисидаги жадвалдан иборат.

Массивларининг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) карталари ноқишлоқ ҳўжалик мақсадлари учун ер ажратишни асослаш, фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти этиштирувчиларининг ер участкалари қийматларини аниqlаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулидан сақлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқа қонунда белгиланган мақсадларда фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Киритилди:

Лойиха бош муҳандиси

 Мусаев Ж.

“Сурхондарё вилояти Ангор, Бандиҳон, Музробод ва Шеробод туманлари хамда Термиз шаҳридаги мавжуд фермер хўжаликлири ва бошқа ердан фойдаланувчилар сугориладиган ерларининг тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” ишлари бўйича жамланма

СМЕТА
(сўм хисобида)

№	Туманлар номи	майдон,га	Тайёргарлик ва дала ишлари	Жами, сўм
1	Ангор	16 469	118 712 061	118 712 061
2.	Бандиҳон	14 499	105 398 819	105 398 819
3	Музрабод	33 997	239 639 744	239 639 744
4	Шеробод	35 570	247 798 539	247 798 539
5	Термиз шаҳар	413	4 175 597	4 175 597
		100 948	715 724 759	715 724 759

Етти юз ўн беш миллион етти юз йигирма тўрг минг етти юз эллик тўқкиз сўм

“Бажарувчи”

Бош директор:
О.Жабборов



“Буортмачи”

Кишлек хўжалиги
вазирининг ўринбосари

M.Рузметов

Лойиха бош мухандиси:
Ж.Мусаев
“ ” январь 2022 йил м. ў
“ ” январь 2022 йил м. ў
“ ” январь 2022 йил м. ў
“ ” январь 2022 йил м. ў